

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati



ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqqa boshlagan • 2002-yil, 20-dekabr • № 52 (3685)

## ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИ БИЛИМДОНЛАРИ

Аброр Хидоятлов номидаги драма театрида Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг комплекс чора-тадбирлар режасига мувофиқ Маданият ишлари вазирлиги томонидан ўтказилаётган "Президент асарлари билимдонлари" кўрик-танловининг якуний босқичи бўлди.

Унда ушбу тадбирнинг Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар босқичида голиб чиққан вакиллар беллашилди. Бешта шарт бўйича куч синашган қатнашчилар Президент асарларининг голиб билимдонлари эканлигини исботлашди. Битта биринчи ўрин Лайло Умарқуллова (Самарқанд), иккита иккинчи ўрин Зулфия Рўзиева (Бухоро) ва Мукаррам Темирова (Навоий), учта

учинчи ўрин эса Турғун Парлиев (Сурхондарё), Дилфуза Раҳматова (Тошкент шаҳри) ҳамда фарғоналик Раъно Хўжаваларга насиб этди. Голиблар пул ютуқлари ва қимматбахона эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Тадбирда Маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Эркин Эрнарзоров сўзга чиқиб, жумладан шундай деди: "Бугунги кунда Президент асарларини билмасдан туриб, ижтимоий ҳаётимизда амалга оширилаётган ислохотлар, рўй бераётган янгиллик ва ўзгаришлар моҳиятини англаш енгил мушкул. Бу тадбир биринчи марта ўтказилаётган бўлсада, ўз олдига қўйган мақсад-муддаога тўла эришди. Биз бундан хурсандимиз".

## БОБУР МЕРОСИГА ЭҶТИРОМ

Тошкентдаги Киночилар уйида кинорежиссёр Собир Назармуҳаммадов суратга олган "Буюк Бобур воқисаси" ҳужжатли филмининг тақдими бўлди.

Бобур номидаги халқаро жағрафа раиси Зокиржон Машрабовнинг қарийб йигирма йилдан буюн шоҳ ва шоир, буюк ватандошимиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур меросини ўрганиш йўлида амалга ошириб келаётган қайри-қайри йиллар кенг жамоатчилик томонидан эътироф эти-

лаётир. Унинг раҳбарлигида уюштирилган халқаро экспедициялар ҳам маънавий-маърифий ҳаётимизда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Эзувчи Қамчибек Кенжа сценарийи асосида суратга олинган ушбу филм Зокиржон Машрабов ҳаётининг мазмунига айланган ана шу изланишлар ҳақида фикр юритида. Шубҳасиз, бу изланишлар филм қаҳрамони ҳаётининг нурли саҳифаларидир. Тақдиротда сўзга чиққан

Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Пиримқул Қодиров, Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ шоири Тулан Низом филмининг муваффақияти, Зокиржон Машрабовнинг маънавийлиги ва маърифатимиз равнақи йўлида амалга ошираётган ишлари ҳақида фикр юритида. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат маслухатчисининг ўринбосари Аҳмаджон Мелибоев сўзга чиқди.

## «ТУРОН»НИНГ ДАДИЛ ҚАДАМЛАРИ

"Турон" театр-студияси ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин бу кичик жамоанинг илк қадамлариёқ санъат мухлислари эътиборини ўзига тортиди.

Театр-студиянинг бадий раҳбари Равшан Ериев сахналаштирган «Узунгиринг унутмай», «Ватан қисмати — менинг қисматим», «Онаи-зор», «Сўнгги пушаймон», «Ота фарёди», «Мулазим» сингари спектакллар вилоятларда, маданият уйлари, олий ўқув yurtлари, мактаблар ва маҳаллаларда муваф-

фақият билан намойиш этилган. Жамоа яқинда Жанубий Қозоғистон вилоятида ўтган халқаро театр фестивалида «Халқаро дўстлик» совринига сазовор бўлди. Бу фестивалда Павлодар вилоят мусикали драма театри, Толдиқўрғон вилоят драма театри, Остона мусикали драма театри, Семей шаҳар «Дарига» ёшлар театри, Жамбул вилоят драма театри ва бошқа жамоалар қатнашдилар. «Турон»-ликлар қозоқ дра-

матурги Даулет Исабековнинг «Бир ҳайкал операцияси» пиесаси асосидаги спектакли намойиш этидилар. Асарни атоқли ёзувчи ва таржимон Носир Фозилов таржима қилган. Саҳналаштирувчи режиссёр Равшан Ериев. Асосий ролларни студиянинг етакчи актёрлари Мансур Қўрғобов, Муътабар Ериева, Сардор Исмоилов, Отабек Исоқов ва бошқалар ижро эттиди. Театр-студия раҳбари Равшан Ериев жамоанинг навбатдаги ишларига тўхталиб шундай деди: «Яқин кунларда ёзувчи Эркин Усмоновнинг «Капалак» асарини устоди иш бошлайди. Бу асар сўзсиз спектакль бўлиб, фақат мусика, имошоралар ва ҳаракатлар билан ижро этилади».

Театр-студия Қирғизистон Республикасида ижодий сафар уюштиришни ҳам режалаштирди. Маъмура КУТЛИЕВА



## ОҶАНГДАГИ ТУҶЁНЛАР

Фазлиддин Хусанов 1978 йили Тошкент вилояти Зангиота туманида, зиёли оилада дунёга келган. 1984 йили Успенский номидаги мусика мактабига, 1995 йили Омния мусика олийгоҳига ўқишга кирди. 1997 йили АКШнинг "Салт Лейт Сити" шаҳрида ўтган кўрик-танловда "Дунё конкурси лауреати" унвонини қўлга киритди. 1999 йили Голлеверда ўтказилган Шопен кўрик-танловига биринчи ўринни эгаллади. 2001 йили Лондонда ўтган халқаро танловда голиб бўлди.

Фазлиддиннинг мусика мактабидаги устози, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган устоз Папавич Тамара Афанасовна бўлган. У ўқиш жараёнида инглиз тилини мукамил ўрганган. Инглиз тилини пухта билиши бугунги кунда қўл келиб, чет элга бориб ўқишга ёрдам бермоқда. Бундан ташқари, Фазлидин немис, араб ва француз

тилларини ҳам билади. Биз Фазлиддиннинг ота-оналаридан "Фарзандларингиз билан тез-тез боғланиб турасизми?" деб сўраганимизда, "Ҳа, у билан тез-тез боғланиб, гоийбона бўлса-да, дийдорлашиб тураман. Юртни, бизларни жуда-жуда соғинишни айтади. Ахир, киндик қони тўкилган она дийрини соғинади-да", — дейишди. Ота-она фарзандларининг қайтишини интизорлик билан кутиб,

## Истиқлол ниҳоллари

фандан ўқитувчилик қилган. Улар билан суҳбатлашар эканмиз, фарзандлари ёшлигидан билимга чанқок, интилуван, асосийси, мусикага меҳри жуда баланд бўлганини айтишди.

Фазлиддиннинг мусика мактабидаги устози, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган устоз Папавич Тамара Афанасовна бўлган. У ўқиш жараёнида инглиз тилини мукамил ўрганган. Инглиз тилини пухта билиши бугунги кунда қўл келиб, чет элга бориб ўқишга ёрдам бермоқда. Бундан ташқари, Фазлидин немис, араб ва француз

хаттоки, тўйга тайёргарлик кўраётганликларини ҳам айтишди. 1999 йили Голлеверда ўтган Шопен кўрик-танловига Фазлиддиннинг маҳорати кўпгина хоржий мусикашунослар қатори Михаил Шредер эътиборидан ҳам четда қолмади. Унинг тақлифи билан Лондоннинг нуфuzли концерт залларида хайрия концертларини намойиш этиши билан бирга, устози Шредер раҳбарлигида ўқитувчи-стажёр бўлиб ишламоқда.

Дилрабо УМАРОВА,  
Қамола ДИМЕТОВА

## ОЛИМ ҶАҚИДА РИСОЛА

кистонда театршуносликнинг тамал тошини қўйиб, унинг ривожига катта ҳисса қўшган, театр санъати тарихини яратётган заҳматқаш илим филолилари ҳақида эъзиритадикотлар кам яратилган.

Бугунги театршунослик фани ривожини санъатушунослик фанлари доктори, профессор Муҳсин Қодиров илимий фаолияти ва изланишлари сазавур этиш қийин. Олим деярли ярим асрлик илимий-ижодий фаолияти давомида нафақат анъанавий театр санъати муаммоларини, балки замона-

вий ўзбек санъатининг долзарб масалаларини ҳам тадқиқ этишга интилди.

Албатта, катта олимнинг кенг қамровли илимий-ижодий фаолиятининг ҳар томонлама қамраб олиш бошловчи тадқиқотчи учун осон кечмаган. Танланган мазунинг кенг ва чуқур таҳлил этиш учун нафақат хоҳиш-истак, шунинг баробарида тажриба ва салоҳият ҳам зарур. Шунга қарамай, мазкур кичик тадқиқот театршунослик ҳақида илк умумлашма рисола сифатида қимматлидир. Рисола олий ўқув yurtи санъатушунослик бўлимлари талабаларига, санъат мухлислари ва кенг китобхоналар оmmasига муҳалланган.

## ОДАМНИНГ ҚАДРИ ҚАЁҚДА ҚОЛДИ?

— Яқинда Қорасув шаҳридаги божхона чегарасида бўлдим, — дейди суҳбатдошим. — Одамлар ўтиши учун иккита йўлак қилиб қўйибди. Йўлакнинг эни нари борса бир метр келди. Турли юмушлар билан юрганлар у ёқдан бу ёққа ана шу йўлақлардан ўтишди. Улар бу йўлақлардан шунчаки ўтишди, десам хато айтган бўлман. Улар бу йўлақлардан

бир-бирларини туртиб, бир-бирларини босиб, уриниб-суриниб, қийналиб, минг азоб билан ўтишди... Бир аёл бозордан бир дона жун аёл харид қилган экан. Уни ушлаш қирғиз божхонасига олиб кириб кетишди. Чикнандан сўнг сўради: «Нима дейишди?» Аёл кўзларидан ёш билан, «Минг сўм пулимни олишди, ҳали ўзимизнинг божхонадан ўти-

шим бор», дея жавоб берди... Суҳбатдошим, ёши элликлардан ошган одам шу гапларни айтиб, узок тин олди. Божхоначилар бир аёл учун шунча сўмни олиб қолишадиган бўлса, ахир одамнинг қадрини қайда қолди? Нима, унинг қадрини қандайдиги ўша жун аёлдан ҳам арзонми? ҶуҶамбердиев

## БОЗОРЛАР АРЗОНЛАШАДИ

— Юридик шахслар илгари четдан келтирган товарлари учун молнинг турига қараб бож тўлови, қўшимча даромад солиғи ва аксиз тўлови (агар маҳсулот аксиз солиғи тўлаш лозим бўлган товарлар рўйхатида қирган бўлса) тўлаб келишарди.

Шу йилнинг 23 сентяб-ридан эса бу йиғим миқдори 20 фоизга туширилди. Юридик шахслар 30 фоизлик импорт йиғимини валютада тўлашарди. 20 фоизга тушгандан сўнг бу йиғим сўмда тўланадиган бўлди. 2003 йилнинг 1 январидан бошлаб Президентининг йўриқларида Фармонига асосан юридик шахслар импорт йиғимидан мулкга озод этилдилар. Жисмоний шахслар эса шу йилнинг 1 октябрдан буюн олиб келган озиқ-овқат товарлари учун 40 фоиз, нооziқ-овқат товарлари учун 70 фоиз ягона божхона йиғими тўлаб келишмоқда. Илгари бу солиқ миқдори

## Муносабат

озиқ-овқат товарлари учун 50 фоизини, нооziқ-овқат товарлари учун 90 фоизини ташкил этарди. Бундан ташқари, бу солиқлар 1 октябрга қадар валютада тўланган бўлса, ҳозир сўмда ҳисоб-китоб қилинмоқда. Президентининг йўриқларида қайд этилган Фармони, шубҳасиз, мамлакатимизга чет эллардан сифатли ва тоза маҳсулотлар кириб келишининг қўлайишига, бинобарин, бозорларимизнинг арзонлашишига ижодий таъсир кўрсатади, деб уйлаймиз.

ТАҶРИЯТДАН: Юқоридаги шарҳ ва газетон мактубини ўқиб, бозор муносабатларидаги икки хил ҳолат билан танишдик. Биринчи ҳолатида мамлакатимизга сифатли маҳсулотларнинг қўний йўл билан олиб келётган юридик шахслар учун қўлайлик яратётганининг моҳияти тушунирилган бўлса, иккинчи ҳолатидаги бир дона аёл олиб ўтаётган фуқарога нисбатан божхоначиларнинг тутган йўли танқид қилинган. Умуман олганда эса иккала ҳолат ҳам қўшни республикалар ўртасидаги божхоналарнинг бугунги манзараси ҳақида муайян даражада тасаввур беради. Бу ўринда шунини таъкидлаш керакки, қўпчилик фуқаролар қайси мол ёки маҳсулот чегарадан олиб ўтилгани учун неча сўм тўлашни зарурлигини яхши билимайдилар. Билмагандан сўнг хатога йўл қўядилар. Айрим божхоначиларга айнан мана шу хато керак. Оддий

одамнинг жўн бир хатоси ҳам уларнинг қўни-қўнини тўлдиради. Шунинг учун ўтгандан ҳам, қайтгандан ҳам бирор нарса юлиб қолиш пайида бўлишиди. Божхона ходимлари ўз қўнун-қондалари, янги тартиб-интизом меъорларини қанчалик чуқур эгаллаб олишмасин, агар бозор муносабатлари маданиятини, оддий инсоний маданият меъорларини назар-писанд этмас экан, у ёки бу фуқаронинг қўний манфаатига даҳл қилверилишиди. Одамлар бундай ҳолларда қонунбузар божхона ходимидан эмас, ниҳоятда яхши ўйланган амалдаги тартиб-қондалардан ҳам норози бўлаверадилар. Шунинг учун ҳам бозор муносабатларидаги хар бир ўзгаришни ва унинг моҳиятини одамларга яхшилаб тушутириб боришимиз зарур. Токи одамлар ўз ҳуқуқларини яхшилаб билиб олишсин. Ўз ҳақ-ҳуқуқини, бозор муносабатларидаги янгиллик ва ўзгаришларни яхши билган фуқаро эса хар қандай устомонга тегишли жаъобини бера олади.

## Меърий наъза

## ТУРКИСТОН

Одил ҶУБОВ  
Сен на ҳаволандинг, на қўқрак кerdинг,  
Тарихда тоабод ўчмас шон.  
Не-не фарзандларни дунёга бердинг,  
Буюклар бешиги — қадим Туркистон!

Тож-тахтлар тўзгиган уфқлар аро  
Кезар завол билмай бир ажиб ёғду.  
Шунчаки ярқ этган нурмас бу асло,  
Улуғ Яссавийнинг ўлмас руҳи бу!

Тўлғайдир ҳикматта башарнинг қалби,  
Турфа хислатингдан сўз очса ровий.  
Муаллимни соний унвонин олди,  
Ахир, шу тупроқдан чиқиб Форобий.

Ўтлоқларнинг қўқсини ўққа тутдилар  
Асрий тилакларинг бўлсин деб вожиб.  
Буюк саодатинг қуйлаб ўтдилар  
Аҳмад Юғнакий ва Юсуф Хос Ҷожиб.

Нетардик Қонғарий туғилмаганда,  
Эл дардин битди у теран, туркона.  
Сенинг гаминг устоз Миртегини хар  
Ийғалди гоҳ ошкор, гоҳи пинҳона.

Кечди замонларнинг ҳасрат-алами,  
Муътабар зотларга сен қолмадинг зор.  
Тагин бир фарзандинг ўгли қалами  
Мирзо Улуғбекка шон берди тақдор.

О, қадим Туркистон, жаҳон қолган тек  
Иқтидоринг гоҳо сермаганинга.  
Доврунги барибир бўларди кемтиқ,  
Одил Ҷубни гар бермаганинда!

Мирнўлат МИРЗО

## ДАВВАТҚОР СЎЗ

КЕЧА  
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида атоқли адабимиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ҷубов билан ижодий учрашуво бўлди. Ушма раиси Абдулла Орипов учрашуви очар экан, халқ меҳрига мушарраф бўлган адабнинг машхур асарлари, қаҳрамонлари ҳақида сўзлади: шундай адблар бўладики, уларнинг бутун ижоди ҳам ўз замонаси, ҳам келажак — абадиётга дахлдор бўлади. Ёзган асарлари билан адабиёт ва маънавият оламини машғуладек ёритиб турган, минг-минглаб китобхоналарни истеъдоди ёрдами баҳраманд этиб келётган оқсоқол адабларимиздан бири, шубҳасиз, Одил Ҷубовдир. Моҳир романовини, ўткир публицист ва драма-турғунинг асарлари юртимиздан ташқарида ҳам машхурдир. Одил ақани халқ меҳрига, китобхоналар мушаррафинга сазовор этган жихатлардан бири — бу адаб асарларининг ниҳоятда халқчиллиги ва бадий юксаклигидир.

Профессор Умарали Норматов Одил Ҷубовнинг ёзувчилик, публицистик ва муҳаррирлик маҳорати ҳақида ҳаяжонланиб сўзлади. Яқинда нашрдан чиққан «Кайдасан, Мориқо?» китоби адабий ҳаётимизда воқеа бўлганини айтди. Айниқса, ушбу китобдан жой олган «Бир қошина силрлар» драматик асари бугунги куннинг маънавий муаммолари кўтариб чиқилганини билан муҳимдир. Сўнгра профессор Озод Шарафиддиннинг «Ўзувчи» газетасида эълон қилинган «Нутқ» мақоласи муносабати билан бундан бир неча йил олдин собиқ СССР халқ депутатлари курултойидаги Одил Ҷубовнинг машхур нутқининг аҳамиятига тўхтади. Бу нутқ бутун бир миллатнинг дарди сифатида Чўлпондан бугунги кунгача ижод қилиб келётган барча ёзувчиларнинг қалб қирқирғи бўлиб жаранглади. Ўзбек халқи мустабиб тузум дав-рида тортган жабру ситамлар, ҳақсизликлар, камситишлар, пахта қулигининг асоратлари шу нутқ орқали бутун дунёга фош этилди.

Ёзувчилар Эркин Аъзам, Омон Муҳтор, Қалдибек Сейданов ва бошқалар Одил Ҷубовнинг ижодий жасоратлари, халқ севган асарлари, қаҳрамонлари ҳақида сўзлаб, адабга соғинк ва ижодий қуч-ғайрат тиладилар. Шоир Мирнўлат Мирзаев ўзининг адабга бағишланган шеърини ўқиб берди. Кеча сўнидаги атоқли адиб Одил Ҷубов сўзга чиқиб, янги асарининг қаҳрамонлари, унга асос бўлган воқеалар ҳақида сўзлади. Бугунги ҳаётини муаммоларни, олий ўқув yurtларидаги маънавий муҳит масалаларини матбуотда ёритиш юзасидан журналистлар ва адабларнинг ижодий фаолигини ошириш зарурлигини таъкидлади. Барча ижодкорларни уйғоқ виждон билан яшашига, халқнинг маънавий эҳтиёлларига муносиб асарлар яратишига даъват этди.

Ижодий учрашувини Ёзувчилар уюшмасининг Бадий наср кенгаши раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров бошқарди.

## ИЖОДИЙ КЕЧА

Таниқли адабиётшунос олим Наим Каримов етмиш ёшга тўлди. Шу муносабат билан Тошкентдаги "Турон" клубонасида мунаққиднинг ижодий кечаси бўлди. Кечани Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддин очиб, олимнинг ижод йўли, амалга оширган бетақдор тадқиқотлари, жамоат ишларидаги фидойилиги ҳақида сўзлади. Ўзбекистон халқ ёзувчиси ўткир Хошимов, Ўзбекистон халқ шоирлари Шукрулло, Тулан Низом, халқ артисти Зикир Муҳаммадҷонов, таниқли актёр Афзал Рафиқов, профессор Умарали Норматов, филологик фанлари доктори Суомна Фаниева маънавиятимизнинг мана шу кўна мақсанида ижодий кечаси бўлиб ўтаётган олимнинг адабиётшунослик фанини ривожлантиришидаги хизматларини, матбуотида босилаётган мақола-ларининг долзарблигини алоҳида таъкидладилар. Композитор Дилором Омонова, хонандлар Маҳмуджон Азимов, Азиз Ражабий, Дилноза Исмияимова ижросидаги кеч ва қўшиқлар ижодий кеча файзга фойқ қўшди.

Замон ўзгарди. Тараққиёт илгарилаб бор- моқда...

зифатлари барҳам топди.

Муҳокама учун навъу

маросимлар ҳақида гап борди. Шу муносабат билан...

Ислом КАРИМОВ

Агар биз тўйга кетадиган маълумнинг бир қисmini...

ҚАЧОН ЎЗГАРАМИЗ

ёхуд қирқ тоғора қангомаси

бошқасини уйлаб топши тўғрисида эмас-ку!

Юрбосчимиз айтмоқчи: «Гап аввало миллий кадрияларимизни сохталаштиришга олиб...

ҳолига келтириш тушунилади. Бизда нима бўлди?

Хуллас, мамлакатимизда маҳалла оксколларига катта ишонч...

Машхура Сабдинова, Тошкентдаги 283-мактабнинг она тили ва адабиёт муаллими

ДЕМОКРАТИЯ ВА МАТБУОТ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 3 июлида...

қолган. Аёл газета таҳририятини судга берди.

лар, социологлар, таҳрибли журналистларни ишга тақдир қилмоқдамиз.

«Узоқ мезийда, Ғарб цивилизациясининг қок маркази қадимги Римда...

Сўзгадош Алиазаров ЭГМОННАЗАРОВ

Бундай янги турлининг юзага келиши матбуотни эркинлаштириш ва демократлаштириш йўлида катта қadam бўлди...

саламларга пугур етказмасликларини, оила, давлат сирини, шунингдек, қонуни билан қўриқилган бошқа сирларга даҳл этмасликларини керак.

Узоқ мезийда, Ғарб цивилизациясининг қок маркази қадимги Римда...

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 99, 100-моддаларини, шунингдек, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги...

Оммавий ахборот воситалари мониторингини ва уларни лицензиялаш маркази фаолият кўрсатмоқда.

Бироқ ана шу тақдир сиёсатининг (кулоги оғирлашиши, яқинлари билан муносабатларининг мураккаблашиши)...

МУҲТОЖ ОИЛАЛАРГА СОТИЛДИ

Мамлакатимизда ички бозорга сифатли махсулотлар етказиб беришни йўлга қўйиш ва савдо-сотиқни изга солиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Улар республикамиз ҳудудига ғайриқонуний йўллар билан олиб кираётган ширтовларни сотишда бож тўловлари ҳамда савдодан олинадиган солиқларни тўламаганлар.

«Форизмлар»идаги: «Ars longa, vita brevis» — «Санъат боқий, ҳаёт фони»...

Буюк Бетховен (1770 — 1827)дек ижодкор ҳам, қарангки, Шарқ мавзулари, демаски, мусикий бойликларини четлаб ўтолмаган.

Буюк Бетховен (1770 — 1827)дек ижодкор ҳам, қарангки, Шарқ мавзулари, демаски, мусикий бойликларини четлаб ўтолмаган.

ЎЗБЕГИМНИНГ САНЪАТИ

Муҳтарам Санъат ака! Мана, ёшим олтимидан ошибдики...

билан Арон Шоломаевнинг «Ибн Сино» спектаклини қабул қилиш учун...



Бу гапни лоф ёки маҳобат деб ўйламанг. Тахминан, ўтган асрнинг эллигинчи йилларида кишлоғимиздаги Тошбой ака радио сотиб олди.

Шундан кейин кадрдонлашиб кетдики. Тақдир тақозоси билан Тошкентга келиб қолдингиз.

эри билан ҳамсуҳбат бўлиб қолди. Ниҳоятда яхши йигит экан, роса мириқиб гапллашганимиз.

Кейин Тошкентга келдим. Янглишмасам, 1958 йили Хоразм театри Тошкентга гастрольга келиб, ҳозирги Миллий боғимиздаги Мўқими театрининг ёғи залида томоша кўрсатган.

Президентимиз беқорга театрни қайтадан бошқа қошоғона айлантириб, унга Миллий театр номини бергани йўқ!

Ушанинч чучмаллигини ёздам. Маҳкам ака суратга олди.

Ушунда бутун жамоа мени ёмон қўриб қолган(ёмон гап кимга ёкарди!).

Кейин ижодий ҳамкорлик ҳам қилдик. Оллоҳга шукру! «Ирода» видеофильмида шунақа аjoyиб рол ижро этдингизки!

Ушундан кейин Сизни асосан экранда кўрадиган бўлдики. Хоразм узоқ, борич қийин, театрнинг ўзи ҳам келса ўн йилларда бир марта гастролларга келадиган пайт эди-да, Санъат ака, тўғрими?

«Кутлуг қон», «Амирликнинг емирлиши», бошқа фильмлар... «Мафтунганим»да қўшиқчи Ботир Зокиров айтгани, бизни фақат драматик ролларда кўраганим учун қўшиқ айтмас экансиз, деб ўйлаганман.

Ушундан кейин Сизни асосан экранда кўрадиган бўлдики. Хоразм узоқ, борич қийин, театрнинг ўзи ҳам келса ўн йилларда бир марта гастролларга келадиган пайт эди-да, Санъат ака, тўғрими?

Шу буюк зотлар билан ҳамнафас бўлиб, мулоқот қилганимиз, санъатдангина эмас, умридан ҳам ибрат олинг, фарзандлар, набиралар қамолтини қўриб, ўзбек халқини янги-янги образлари билан хурсанд этиб юраверинг, Санъат ака!

1980 йили Маданият вазирининг биринчи ўринбосари Раҳима Назарова, Санъат бошқармаси бошлиғи Саид Олимқўжаев

«Кунинг қўшарлари»нинг ҳам ташаббускори Маҳкам Маҳамедов: «Машраб, бир нарса қилинг!» деб туриб олди.

Муборак бўлсин, Санъат ака! Бу ёшларга етганлар буюқ етмаганлар борлиғи ҳаммага аён.

Буён соат 16<sup>00</sup> да Абдор Ҳидоятнов номидаги Ўзбек Давлат драма театрида Санъат Девонининг 70 йиллиғига бағишланган ижодий кеча бўлади.

Мухлисингиз Машраб БОБОВЕВ

ШАРҚ ВА БЕТХОВЕН

1814 — 1819 йиллар моновлари (кулоги оғирлашиши, яқинлари билан муносабатларининг мураккаблашиши)...

Муслиқ тарихи шуни кўрсатмоқдаки, қатор Ғарб мамлакатларида композиторлик иходиёти инкирозга учраб, тур йўналишга дучор бўлганда...

«Афоризмлар»идаги: «Ars longa, vita brevis» — «Санъат боқий, ҳаёт фони»...

Муслиқ тарихи шуни кўрсатмоқдаки, қатор Ғарб мамлакатларида композиторлик иходиёти инкирозга учраб...

«Афоризмлар»идаги: «Ars longa, vita brevis» — «Санъат боқий, ҳаёт фони»...

Муслиқ тарихи шуни кўрсатмоқдаки, қатор Ғарб мамлакатларида композиторлик иходиёти инкирозга учраб...



# КАЛБИНИҲ РАНИҲИ ҚОЛУР УНШАН БУЛИНДА

## ОҚСОЙ ҚУШИҒИ

Оқсой бўйи — баҳор гулхани,  
Келарди ёр гуллар кўргани.  
Хаёлимдан чиқмайди асло  
Гуллар териб, гулдек юргани.

Сойла борар қалбим, куйларим,  
Гулларимни ўйнайди еллар,  
Жўшқин сувда соғинч ўйларим,  
Мулоқотта қорлайди йўллар.

Қайда қолдинг, қалбим санам,  
Наврўз гулин оқиздим сойга,  
Сени кутар гуллар байрами —  
Келармисан дилкаш бу жойга.

Сой гулгада борар жон дилим,  
Сўзлайди у баҳор чоғидан.  
Умидларим, соғинчли гулим,  
Сўзлар ёрға меҳрим боғидан.

Сойда борар соғинч гулларим,  
Мулоқотта ялинж дилларим.

Олий Мажлис  
фан, таълим,  
спорт ва маданият  
ишлари қўми-  
таси ва Бадий академияси муассислигида ташкил  
этилган танлов «Қамолдин Бехзод — руҳият нақшо-  
ши» деб номланди.

Танловдан қўзланган мақсад «Шарк Рафъали» но-  
мини олган буюқ аждодимиз ижодини халққа тўлиқ  
етказиш ҳамда «Қамолдин Бехзод» мемориал бо-  
ғумзай учун ноҳар асарлар йиғишдан иборат. Кўрғаз-  
мадан миниатюрчи рассомлар ва фото саныти йўна-  
лишидаги 100дан ортиқ асарлар жой олган.

# РУҲИЯТ НАҚҚОШИ

Раҳматуллоевга биринчи ўрин берилди. Х.Назирова ва  
А.Ибрагимов иккинчи ва учинчи ўринни эгаллади-  
лар. Фото саныти бўйича В.Грангли, журналистика  
йўналишида Нуржон Курбонова голий деб топилди-  
лар.

## Бошланиши учинчи бетда

— Хай, майли, ниятига етди у. Таёқ  
есак-ермиз. Бирок мен ҳам қараб тур-  
майман. Уйингнинг кулини кўкка сову-  
раман. Хали пўшаймон бўлади Иван.

Бўлиш мақсадан кишлоққача ўн  
чакиримча келарди. Иван уйга кеч қайт-  
ди. Пода қайтадиган бакт бўлибди. Иван  
отини аравадан чиқарди, аравани жойга  
қўйиб, отини боғлаб ичкари кирди.

Уйда ҳеч ким йўқ. Хотинлар подага  
кетган шекилли, деб ўйлади Иван. Бола-  
лар ҳам даладан қайтмабди. Иван ичга-  
ни ўтиб, хўрак ейдиган стол олдида  
чўкди. Халғга толди, Гаврилонг эсла-  
ди. Ҳўм ўқилганда унинг оқариб кетган-  
ди, тескари ўғирлиб олгани кўз олди-  
га келарди. Юраги увийди. Агар кал-  
такка уни эмас, мени буорганларида  
қай аҳволга тушардим, деб ўй сурди.  
Бирдан Гаврилога раҳми келди. Шу  
лай отасининг йўталгани эшитилди. У  
тўшакдан туриб оёғини осилтириб ва  
инқиллаб печкадан туша бошлади.  
Қайта-қайта йўталиб судралгудек бўлиб  
аранг столга етиб келди. Бехол суяниб  
сўради:

— Нима бўлди? Гаврилога жазо бе-  
ришдими?  
— Ҳм. Йигирма таёқ буордилар, —  
деди Иван.

Қария бош чайқади.  
— Бекор қилгансан Ваня, ох, бекор  
қилгансан! Уз оёғинга ўзинг болта ур-  
ясан, бола! Хўп, ана, Гаврило таёқ ҳам  
еди, дейлик. Бундан сenga бирон фой-  
да борми? Бир бечорани калтақлайтиб  
роҳат қиласанми?

— Иккинчи марта номаъқул иш қил-  
майдиган бўлади.  
— Бу гапинг менга ёқмади. Ахир, сен-  
нинг қилишинг унқидан ошиб тушди-  
ку, Ваня.

— Қанақасига ошиб тушаркан? Ин-  
дамасан хотинимни уриб ўлдирарди.  
Мана, бугун ҳам уйга ўт қўяман, деди.  
Мен нима қилишим керак, кечирсинлар,  
оёғига бош уришим керакми?

Қария ух тортиб тилга кирди:  
— Иван, менга қара, болам, мана сен-  
нинг тўрт мучанг бутун. Бу ёрғ жажонда  
дорилонм кезиб юрибсан. Пивда юриб-  
сан, отда юрибсан. Мен бўлсам неча йил  
дирки, пенкага ёпишиб ўладиган бўлиб  
ётибман. Сен ерда юриб ҳамма нарса-  
ни билман, деб ўйлаёсан, отам тўшак-  
да ётибди, у ҳеч балони сезмайди, деб  
хотмай қўласан. Йў-ўй, йиғитча, акин-  
ча сен балониям билмайсан. Сеннинг  
қўзларинг басир бўлиб қолган. Кўз ол-  
динги жаҳолат тусиб турибди. Йинг-  
даги тоғдай айбонинг пайқамайсан,  
аммо бировнинг пашшадек гоухони  
дарроо илғайсан. Галингни қараю. «У  
ўзи ёмонлик қилгити», эмизи. Агарда айб  
ёғиз Гаврилонинг ўзида бўлганда  
ёмонликнинг тухуми урчимасди. Ким  
айти сенга ёмонликни бир одам қил-  
ди, деб? Ёвузликнинг сабабаси ҳеч  
қачон бир киши бўлмайди. Уни икки  
одам биргалишиб қилади. Сен душ-  
маннинг айбини кўриб турибсан ўзи-  
никинни кўрмайсан, кўришни истама-  
ясан. Мабодо у аҳмоқ экан, сен доно-  
лик қилмайсаними? Шунда уртада муна-  
ка машамалар чикмасди. Гаврилонинг  
соқолини юлган ким? Хирмонни кун-  
пақан қилган ким? Ким уни судма-суд  
судраб қарсон қилгити? Яна ҳамма ай-  
ни у бечората тўнкалган. Одамнинг  
фелъи ёмон бўлса, бошқалар ҳам  
қўзинга хунук кўринади. Бизлар бунақа  
яшамагандик, болақай селларга ҳам  
бўлакча тарбия берган эдик. Гаврило-

## ИККИ ГЎЗАЛ

Икки дарё — сузганим,  
Икки гўзал — севганим.  
Дилдан қўйлаб бораман,  
Меҳрун ўйлаб бораман.

Аму ёқда Раъноси,  
Сир томонда Барноси.  
Олис йўлим қўшоқил,  
Меҳру орзум у манзил.

Ишқ йўлида бор синов,  
Қийин эрур ёр тавлов.  
Дилда ёрнинг висоли,  
Қўйлаб боққан жамоли.

Битта дилга бир ёр деб,  
Ишқни қўйлаб бораман.  
Дилда бир ёр хаёли,  
Қорлар йўлга висоли.

## ТЎРТЛИКЛАР

Қўнғил қўнған йўлинг обод элингда,  
Қалбинг ранги қолур унган гулингда.



Донни тутсанг қуш қўнади қўлингта,  
Саховатни кутар дунё йўлингда.

Оромга қорлайди келса агар тун,  
Меҳнатга бошлайди порлаб чиқса кун.  
Борлиқнинг қонуни азалдан шундай,  
Иккиси ҳам зарур мавжудот учун.

Одам умри йўлчи эрур ҳаётда,  
Қадрини синайди танишу ётда.  
Узун йўллар яшаб ўтган дарғохи,  
Йўларму у нима қолди, деб ётда.

Сир бўйида бодда қўрлим барнони,  
Бир ифбатли, дилбар гули раънони.  
Ақлим олди, дедим: бундай гўзалини  
Кўрмаганман кезиб бу кенг дунёни.

Хўжақентдаги ёзувчилар бо-  
ғида менинг боғчам Назарма-  
тинг қорбоғи билан ёнма-ён.  
Одатда мен ёғзи таътиларим  
ни шу ерда ўтказаман. Бундан  
ташқари тўрт-беш кунлаб дам  
олиб, баъзи ишларимни шу  
ерда давом қилдираганим ода-  
тим бор.

Назармагинг бу ерга муно-  
сабати бир оз бошқача. У бу  
ерда тунашни ёқтирамайди.  
Қарийб юз чақирим йўл босиб  
келади-да, кун-  
нинг иссиқ пай-  
тини шу ерда  
ўтказиб, яна ша-  
хар томон жўнаб  
кетади.

Бу гал ҳам худ-  
ди шу ҳол рўй  
берди. Қўқ ран-  
гли машина чор-  
боғ дарвозаси одиға келиб  
тўхтади. Машинадан Назармат  
биринчи бўлиб туширилган  
нарса самовар эди. Чой дам-  
ланиб, сўхбат бошланди.

Шоирнинг таклифи билан  
мен ҳам бу ерга чиққан эдим.  
— Оғайни, мен бу йил саксон  
бешга қирапман. Сиз билан  
нималарни кўрмадик. Мана  
энди бу ерда кичкина маскан  
қурдик. Мен жуда хурсандман.  
Иккаламининг бир жойда  
бўлиб, тез-тез кўришиб тури-  
шимизга имкон туғилди.

Далабоғдаги сўхбат кизига-  
нидан қизирди. Самовар бир  
неча бор совиди. Нега бор чўй-  
янгидан дамланди. Гир атроф-  
дан кўзга ташланиб турган тоғ  
чўққилари, гоҳ шимолдан, гоҳ  
жанубдан эсиб турган майин  
шабада сўхбатимизга ҳим ба-  
дишлар эди. Атрофда ҳар хил  
ишлар билан банд бўлган  
дўстим невараларининг қий-  
чувлари ҳам  
бизга халақит  
беравермасди.  
Кўшилларимиз  
Эркин хожи, Нуриллохон, ёзув-  
чи Дадахонов келиб сўхбат-  
га қўшилишди.  
Дўстим Назармат бу сўхбат-  
ни олдиндан режалаштирган-  
дай кўринади. У ёнида тур-  
ган папкани очиб, бир даста  
қоғозларни олдимга қўйди.  
Мен улар билан танишсам, у

# НУРОНИЙ ИНСОН

ерда ўттизга яқин нашр қилин-  
ган китобларнинг номлари  
зикр қилинган эди.

— Мана буниси менинг энг  
мукаммал асарларимдан бири,  
- деб «Гул ва гулхан» номли  
салмоқли шеърлар тўпламини  
тақдим қилди.

Кичкина папкага жойланган  
қоғозлар Назармагининг ижоди-  
га тегишли ҳужжатлар эди.  
Белоруссия ва Поляшани озод  
қилишда фаол иштирок қилган  
унинг у ерларнинг иждоқор-  
лари Назармат билан доим му-  
лоқотда бўлиб туришар экан.  
Улар ҳар хил мазмундаги хат-  
лар ёзишган, хат олишган. Ҳу-  
сусан, Беларуссиянинг катта  
шоири Максим Танк билан  
унинг дўстона муносабати  
эйтиборга сазовордир.

Назармат ҳақидаги  
сўзларимни унинг дилдан  
қилган қўйидаги мисралар  
билан яқунлашни лозим  
қўрдим:

«Заковат, саховат,  
ҳиммату шайқат,  
Ёрдамнинг йўлида  
бу-да бир аҳсон  
Ризку рўз илдири  
асли у меҳнат,  
Шуларни ўйлайди  
нуроний инсон»...

Матёқуб  
ҚЎШЖОНОВ

## Маққуғни маққуғ

Дунё — кенг...

## НАЖИБ МАҲФУЗНИНГ ҲАЗИЛИ

Адабиёт соҳасида халқаро Но-  
бел мукофотиға сазовор бўлган  
мирриқ адиб Нажиб Махфуз  
туқсон бир ёшга тўлганига қара-  
май хануз ҳазил-хузулға мойилли-  
гини йўқотмаган.

Стокгольм ва Осло шаҳарларида  
навбатдаги Нобел мукофотларини  
топириш маросимида у қлонлашти-  
риш (сунъий йўл билан одамни пай-  
до қилиш) тажрибалари учун ўз  
хужайрасини беришга тайёр экани-  
ни айтиди. Шу билан бирга ёзувчи,  
ҳазил тарихасида «агар бу тажриба  
беғул амалга оширилсагина» рози  
бўлишини қўшиб қўйди.

Ҳазил ўз йўлига-ю, бирок Нажиб  
Махфузинг таклифи италиялик олим  
Северино Антиноринг ҳақонда би-  
ринчи қлонлаштирилган одам араб  
бўлади, чунки мусулмон дунёсида  
одамни қлонлаштиришга Фарбагда-  
йдай жуда кескин қарши туришайди,  
деган фикрига мос тушади.

Бошқа бир хабарга қўра, Ливия етак-  
чиси Муаммар Қаддафий Триполи  
шаҳридаги энг яхши шиқохонлар-  
дан бирини Антинори ва унинг ёрдам-  
чиларига тақдим этишни ҳамда улар-  
га моддий қўмак беришни билдир-  
ган. Италиялик олиминг таъкидлаши-  
ча, хозиргача жаҳонда қлонлаштириш  
бўйича унга операция иккитаси Рос-  
сияда ва биттаси бошқа бир мамла-  
катда амалга оширилган. Бирок у ра-  
қобатчиларини доғда қолдириб, би-  
ринчи бўлиб жаҳонга қлонлаштирил-  
ган одамни тақдим этмоқчи.

## ҚЎЙ ЙИЛИНИНГ ВАЪДАСИ

Келаётга янги қўй йили кўпгина  
ижобий ўзгаришларни бошлаб бе-  
риши мумкин, дейишмоқда мунаж-  
жимлар. Бу ўзгаришлар, аввало,  
кийим-кечақлардан тортиб, дунёқа-  
раш ва фалсафий оқимлар маслак-  
ларига қўра намойиш этаркан.

Қўй йилида илоҳий кучлар очик  
қўнғил, ҳалолуш, тушуниш ва кеңиришга  
мойил бағри кенг инсонларга яқин-  
дан ёрдам беради, дейишмоқда шаҳ-  
ловчилар. Уларнинг ҳаётида қўнғил-  
ганда туб ижобий ўзгаришлар рўй бе-  
риши эҳтимоли бор. Бу йилда олди-  
соти, савдо ишлари омадли бўлади.  
Бирок ишбилармон кишилар ишни  
унутмасликларни ўқитиладикки, иқти-  
содийда қўнғилган ўсишлар ақция-  
лар курсинг қўнғилганда ўзгариши,  
баҳоларнинг бекорорлашиш эҳтимо-  
ли ҳам ўз ичига олади. Қўй йили,  
айниқса, иждоқорлар учун жуда қулай  
ва баракали келиши таъкидланган.  
Улар қатъий қўрсатиб иждоқ қилиш-  
ла ва ўз имкониятларини тўла-тўқис  
ишга солишлари тавсия этилади.

## БИР МИНУТДА ЎН МИНГ ДОЛЛАР

Америкалик миллиардер Билли  
Гейтс ҳақида рақобатчиларидан  
бири шундай дедан: «Гейтс — унча  
гўл чиккан савдойи. У қайси ишга  
қўл урмасан, албатта галаба  
қилишни хоҳлайди».

1980 йили Гейтс IBM компанияси-  
ни ўзининг модели билан ишлаб чи-  
қилган компютерларни программа-  
лаштиришга имконият беришга рози  
қилади. Айни пайтда, узоқни кўра  
билган Гейтс ўзининг программалари-  
ни хоҳлаган фирмага, ҳатто IBMнинг  
рақобатчиларига ҳам сотиш икмиёри-  
ни қўлида сақлаб қолади. Кейинчалик  
газетларда: «Компютер замонининг та-  
нана қилишда ҳал этувчи аҳамиятга эга  
булган Биллининг узоқни кўра биллиш  
истеъдоди Microsoftнинг ютуғини таъ-  
минлаган омиш бўлди», деб ёзди. IBM  
билан шартнома Гейтсга миллиардлаб  
бойлик келтирди. 1986 йилдан бошла-  
б у минутига 10 минг доллар ишлаб  
топаётди. Ҳозир унинг мол-мулки 90  
миллиард долларнинг таққил этади ва  
бу хали охири эмас. Ишлари шу зай-  
лда давом этса, Гейтснинг капиталга яна  
санокли йиллардан кейин 1 триллион  
америка этади. Кун бўйи офисда иш би-  
лан банд бўлиб ўтирадиган одам бунча  
пулни қачон ишлатини маълум эмас.  
Гейтснинг кўн тартиби олдиқ, ярим ке-  
чақини иш билан банд бўлади, ерда  
компаниянинг бирор ҳодими билан  
тушлик қилиб олади, кейин уйига  
жўнайди. Уйига келиб бир соватча ки-  
тоб (илми) ёки «The Economist» жур-  
налини (шошдан охиригача) ўқийди.  
Эртаси кун соат тўққизда, албатта, иш  
жойида ўтирган бўлади.

Гейтс ўз ишига мутаассибларча бе-  
рилган, бошқалардан ҳам шуни талаб  
қилади. У ишга келганда ўзиндан ҳам  
қўлида ишлайдиган ҳодимлардан:  
«Ҳўш, ҳали ҳам яхши ишлаясанми? Биздан  
бирор киши ўтмадими? Бизнинг  
мақсулотимизни, ҳақикатан ҳам,  
яхши қўнғил қилинаётганими? Такомил-  
лашш учун яна нималар қилишимиз  
керак?» деб сўрайди. Ҳодимлардан  
бири: Билл Гейтс саксон биш қария-  
нинг ақли ва ўсиригинг вужуди билан  
ишлайди, дегани бор гап.

Маданият ишлари вазирлиги Иқтисодий  
истикболни белгилаш ва мўлийай ишлар  
бошқармаси бошлигининг ўринбосари  
Махмурад Тўхтамадовга волидаи  
мухтарамаси

МУҲАРРАМ аянинг  
вафоти муносабати билан қўқур ҳамдардик  
ихозор этади.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»  
газетаси жамоаси танкили адиб ва  
журналист

Исмоил СУЛАЙМОНОВ  
вафоти муносабати билан унинг оила  
аъзоларига қўқур таъзия билдиради.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ  
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ  
НОШИР: «ШАРК» НАШИРИЁТ-  
МАТЕМА АКЦИЈАДОРЛИК  
КОМПАНИЯСИ

**O'zbekiston**  
adabiyoti va san'ati

Манзил: Тошкент — 700083, Матбуотчилик кўчаси, 32  
Қабулхона — 133-52-91, котибхона — 136-56-50

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50  
Санъат бўлими: 136-56-48

Бош мухаррир  
вазифасини  
бажарувчи

Мурод  
АБДУЛЛАЕВ

Редакцияга келган қўғазмалар тахлил этилмайди ва муаллифларга қайтари-  
майди. Муаллифлар фикри тахририят қўқма назардан фарқлашиши мумкин.

Навбатчи мухаррир — Сафар ОЛЛОЁР  
Саҳифаловчи — Жаъфар ЖАББОРОВ

«Шарк» нашриёт-натба  
акциядорлик компанияси босмақонаси.  
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй  
Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди — 21.00

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00024-  
рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г— 970. Ҳажми — 3 босма  
табоб. Нашр қўрсатқини — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА  
КУНЛАРИ  
ЧИҚАДИ.  
СОТУВДА  
НАРХИ  
ЭРКИН

Тиражи — 4309